ЯШАСИН БИРИНЧИ МАЙ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 84 (7224). ● 1 май, 1980 йил ◆ ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ ОЛҒА!

ХАЛҚИМ ҚИЛУР НАМОЙИШ

Ассалом, Май тонги!.. Ассалом, ҳузурбахш, наволи, сафоли тонг!.. Бир зум қулоқ солинг!.. Азиз ва тароватли она диёримиз узра оҳангграбо, дилкушо куй ва қўшиқлар янграмоқда. Камарбаста Камчаткадан Болтиқ уммони соҳилигача, Кушка ҳудидидан Оқ денгиз уфқларигача Май байрамининг улуғвор садолари таралмоқда.

— Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

Гулгун очилган шаҳар ва қишлоқларимизда, ҳамма ҳамма ерда, барча эришган зафарларимизда ғалабалар шукуҳи. Бепоён далаларимиз, сурув-сурув қўй-қўзилар ёйилган ўтлоқларимиз байрам либосида. Арафа кечаларимиз, тахти равоқ кўчаларимиз чироғон ва файзнёб. Сийнаси кенг сайҳонлар, бағри кабир майдонлар тантаналар оғушида. Осмонўпар бинолар, уларнинг пештоқидаги паннолар ажиб ва сермазмун. Бахти боқий отахонлар, жонга жондош онахонлар, ғайратпеша йигит ва қизлар, болалар — сон-саноқсиз жажжи юзлар байрам кайфиятида. Чеҳраларда кулгу, лабларда табассум. Сайлга чиққанлар қўлида ранго-ранг қирмизи алвонлар. Уларга чуқур маъноли шиорлар битилган: «Май!», «Баҳор!», «Тинчлик!», «Меҳнат!».

Севикли мамлакатимизга Май байрами таниф буюрди. Муборак айёмларни совет кишилари ҳамиша-ҳамрўз ажойиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга одатланганлар. Мана бугун ҳам азамат ишчиларимиз, донгдор деҳқонларимиз, ижодкор зиёлиларимиз 1-Майга сиёсий ва меҳнат активлиги ғоятда юксалган бир вазиятда муносиб тўёналар тортиқ қилмоқдалар.

Улуғ доҳийнинг кечагина нишонланган юбилейига тайёргарлик давомида меҳнатнинг ҳамма жабҳаларида кенг қулоч ёйган социалистик мусобақа даъвати бу йилнинг асосий шиорига айланиб қолди.

Бугун ҳамма ерда бўлгани каби серқуёш республикамиз пойтахти Қизил майдонидан, областимиздаги саноат шаҳарлари ва районларнинг марказий кўчаларидан кўплаб залварли колонналар ўтадилар. Шоир айтганидек, халқим қилур намойиш, миллион дилда ороиш...

Намойишчиларнинг олдинги сафларида ўнинчи беш йиллик сўнгги йилини барча соҳаларда зарбдорларча якунлашга азму-қарор қилган азамат ишчилар, қурувчилар, шахтёрлар, кимёгар ва пўлат қуювчилар, транспорт ходимларини, ҳуллас, турли касб соҳибларини кўришимиз мумкин. Уларнинг юзи ёруғ, диллари равшан. Зотан улар табиатини ўз меҳнат коллективларида эришилган салмоқли ғалаба рапортлари белгилайди. КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини оғишмай ҳаётга тадбиқ қилиш, йиллик, квартал, ойлик план ва мажбуриятларнинг доимо ошириб бажарилиши уларни янги-янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирмоқда. Улар бугун ана шу ютуқларни, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида эришилаётган улкан зафарларини намойиш қиладилар.

Байрам намойишлари орасида собиқ темирйўл устахоналари негизида бунёд этилган транспорт индустриясининг қудратли замонавий гиганти — Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводининг ишчи ва хизматчиларини учратамиз. Тошкент пролетариати ҳудди мана шу ерда вужудга келган эди. Олис ўтмишда ишчилар подшо полициячиларидан яширинча дастлабки маёвкаларга шу даргоҳда йиғилишар эдилар. Айни чоғда тепловозчилар бугунги шон-шуҳратлари, тараққиётида эришган ажойиб ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Тошкент экономикасининг қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта Осиё машинасозлигининг тўнғичи — «Ташсельмаш» заводи, «қора олтин» ижодкорлари бўлмиш Ангрен кўмир разрези, Чирчиқ трансформатор заводи, Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер бирлашмаси ва бошқа ўнлаб корхоналарнинг колонналари ҳам миллион-миллион халқларнинг оқимига сингиб кетишган. Сафлардан муносиб ўрин олишган.

«435.000 тонна». — Бугун областимизнинг жуда кўпгина ерларида мана шундай рақамларга кўзингиз тушади. Кўкракларини қаҳрамонлик Олтин юлдузлари, қўша-қўша орден ва медаллар безаган Т. Охунова, Э. Алиев, Х. Қодиров, А. Сулаймонов, М.Ковалева, Кан О Нам сингари олтинпалларимиз, уларнинг юзлаб издошлари, ҳар бир пахтакор деҳқон, наинки пахтакор, областимиз барча меҳнаткашларининг бу йилги мақсад — марралари шу!

Бу рақамлар пахтакорларимизнинг беш йилликнинг сўнгги йилидаги мажбуриятларинигина ифода этиб қолмай, шу билан биргаликда ўроқ ва болга иттифоқининг мустаҳкамлигидан, Ўзбекистоннинг Ватанимиз пахта запасини кўпайтиришга қўшаётган интернационал ҳиссаси доимо ортиб бораётганлигидан ҳам яққол далолат беради. Областимиз деҳқонлари мамлакатга энг кўп миқдорда сифатли «оқ олтин» етказиб беришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар.

«Биз ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки ойлари ўтиб бораётган умуман 80 йиллар — экономикамиз, фан ва маданиятимиз, ижтимоий муносабатларимизни янада ривожлантиришнинг хилма-хил ва мураккаб вазифалари ҳал этиладиган йиллар эканини яхши биламиз. Мана шу вазифаларни уддалаш учун, камчиликлардан халос бўлиш ва халқ турмушини янада яхшилаш учун бизнинг ихтиёримизда ҳамма нарсалар бор», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев унга Ленин мукофоти топшириш маросимида.

Худди шундай. Коммунистик жамият қуриш йўлида ҳайратомуз, тарихий зафарлар қучаётган совет кишилари ижодий бунёдкорлик ишлари билан машғул. Аммо жаҳон империализми бизнинг тараққиётимизга ғов бўлишга, ютуқларимизга раҳна солишга тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш проблемаси замонамизнинг энг муҳим ва энг катта муаммоси бўлиб қолмоқда. Бизнинг партиямиз ва ҳукуматимиз халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бориш юзасидан партия XXV съезди маъқуллаган программани сабот-матонат билан амалга ошириб келмоқда.

Давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони бўлмиш Коммунистик партиямиз, унинг жанговар Марказий Комитети атрофига метиндек жипслашган совет халқи дадил қадамлар билан коммунизмнинг нурафшон чўққилари томон бормоқда. Ўнинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга оширишда, КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш борасида совет кишилари мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Йигирманчи асрнинг 80-йилларн мамлакатимиз тарихи солномасига буюк ўзгаришлар, беқиёс зафарлар билан йўғрилган зарҳал саҳифалар бўлиб киражаги шубҳасиздир.

— Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

— Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

КОММУНИСТЛАРНИНГ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИГА ДАЪВАТНОМАСИ

ТИНЧЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН

Қуролланиш пойгаси талбаларча жадаллаштирилаётганлиги бизни ташвишга солмоқда.

Европа мамлакатларининг халқлари, ҳақли равишда сергаклик қилаяпсизлар.

Бизнинг шу қадар аҳоли зич яшайдиган қитъамизда тўпланган ёки унга қарши қаратилган қирғин ва ажал воситалари ҳаммамизнинг тақдиримизга катта хавф солиб турибди. Нақадар даҳшатли исрофгарчилик қилинаётганини, нақадар катта маблағлар Европа халқлари ва миллатларининг кундалик эҳтиёжларини қондириш ва келажакда ривожлантириш мақсадларидан чалғитилаётганлигини ҳам биласизлар. Кейинги вақтларда авж олдириб юборилган ва «совуқ уруш»ни қайта тиклашга қаратилган ҳарбий васваса тинчлик ишига, кескинликни юмшатишга, ўзаро ишончга ва халқаро ҳамкорликка нақадар катта зарар етказаётганлигини кўриб турибсизлар.

Шунга қарамай, Европанинг марказида янги ядро аслаҳаҳоналарини жойлаштириш белгилаб қўйилди; кескинликни юмшатиш самараларини йўққа чиқариш учун янги уринишлар қилинмоқда; тузилган битимлар, ўтказилаётган музокаралар, иқтисодий, маданий, спорт, инсоний алоқалар ошкора шубҳа остида қолдирилмоқда.

Қитъамизнинг халқлари тинчлик, мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорликнинг ҳақиқий қадрини билиш имкониятига эришгунча озмунча машаққат чекмадилар. Гитлеризм устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллиги тинчлик қай даражада инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири, зарур инсоний неъмат эканини яхшироқ ҳис қилишга ёрдам беради.

Европа мамлакатларидан бирида ҳаёт кечираётган ҳаммамиз вазиятнинг ана шу хатарли кескинлашиши натижасида ҳамма нарсадан маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин. Ер курраси ва унинг жуда муҳим инсоний ва иқтисодий имкониятлари бутун инсониятга зарур бўлган мана шу районнинг халокати эҳтимолининг ўзини йўқ қилайлик, унинг ер юзидаги инсон мулкининг бир қисми бўлмиш табиий ва тарихий бойликларини ҳимоя қилиб қолайлик.

Биз ким бўлмайлик ва Европанинг қаерида яшамайлик, муҳим проблемаларнинг музокаралар йўли билан ҳал этилишидан фақат ютиб чиқишимиз мумкин; биз қурол яроғларнинг ва қуролли кучларнинг қисқартирилишидан, барча давлатлар ва халқлар учун теппа-тенг ва гарантиялланган зафарсизлик талабларига мос бўлиб тушувчи қуролсизланиш ишида олға силжишидан фақат ютиб чиқишимиз мумкин.

Шу мақсадга эришиш учун зарур кучлар мавжуд.

Биз, коммунистлар тинчлик курашчиларимиз; биз қуролсизланиш, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик бўлишини хохлаймиз. Шу сабабли айтамизки: тинчлик — ҳаммамизнинг муштарак ишимиз, бинобарин, бизнинг биргаликдаги курашимиз шу ишнинг тантанасини таъминлашга қодир.

Биз:

— тенглик ва баббаравар хавфсизлик шароитида ўртача олисликка учадиган ракеталар масаласи юзасидан самарали музокаралар бошлаш учун НАТОнинг янги Америка ракеталарини ишлаб чиқариб, Европада жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар бекор қилинишига ёки шу қарорларнинг амалга оширилиши реал равишда тўхтатиб турилишига ҳаракат қилаберамиз.

— СҚЧ-2 шартномасининг тезроқ ратификация қилинишига ва стратегия яроғларини янада қисқартириш тўғрисидаги музокаралар давом эттирилишига биргаликда интилаберамиз.

— Вена музокараларида қатъий силжиш бўлиши учун ва қуролли кучлар ва қурол-яроғлар қисқартирилиши учун курашаберамиз, бу йўлдаги ҳамма жузъий тадбирларни, шу жумладан қитъамизда ядро қуролидан ҳоли бўлган ҳамда уларга қарши шу қуролнинг қўлланилиши гарантиялаб қўйилган зоналар вужудга келтирилишини қўллаб-қувватлайберамиз.

—Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлигига бағишланган Мадрид учрашувининг 1980 йилда чақирилиши учун биргаликда курашаберамиз. Хельсинкидаги кенгаш Якунловчи актининг ҳамма қондалари барча давлатлар томонидан амалга оширилишида, жумладан, сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатиш йўлида янада олға силжиш мақсадини ўз олдимизга қўямиз.

—Варшавада ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатишга ва қуролсизланишга бағишланган умумевропа конференцияси чақирилиши учун ҳаракат қилаберамиз.

— БМТнинг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси қарорлари амалга оширилишини талаб қилаберамиз.

—Шу тариқа бўшатиб олинган маблағлар блокларга қўшилмаган мамлакатлар таклиф қилаётганидек, тараққиёт учун ва очарчиликка қарши кураш учун сарфланишига ҳаракат қилаберамиз. Бундай қилиш бутун инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Хуллас, қуролсизланиш учун кураш ҳозирги вақтда биринчи даражали масаладир!

Биз, Европадаги барча мамлакатларнинг коммунистлари, тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш тўғрисида гап борганида, ҳар қандай мулоқотга, ҳар қандай музокараларга, биргаликда қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларга тайёрмиз. Биз шу барча тинчликсевар кучларнинг шу мақсад йўлида бирлашишларини хоҳлаймиз. Миллатимиз, эътиқодимиз, турмуш тарзимиздан қатъий назар, сизларнинг ҳаммаларингизга, коммунистларга, социалистларга, социал-демократларга, христианларга, бошқа дин аҳлларига айтадиган гапимиз шу: «Тинчлик — ҳаммамизнинг муштарак мулкимиз!»

Биз мана шу учрашувда тўпланиб, ошкора ташаббусга интилишимизни билдирамиз, шу ташаббус доирасида жуда кенг миқёсдаги алоқалар амалга оширилган бўлур эди ва жуда кенг миқёсда мулоқот ўтказилган бўлур эди. Биз Хельсинки рухида ҳаракат қилишга азму қарор берган ҳамда кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш ва қитъамиздаги қурол-яроғларни қисқартириш йўлини қидириб топиш манфаатларини кўзлаб Мадрид учрашуви арафасида Европадаги барча кучлар билан ҳамма учун мақбул формаларда маслаҳатлашувлар ва фикрлашувлар ўтказишга тайёрмиз.

Эзгу ниятли эркаклар ва аёллар, ҳар бир мамлакатда ва умуман Европада биргалашиб ҳаракат қилайлик.

Бирлик бўлса —тараққиёт, бахт-саодат ва тинчлик иши ғалаба қилади. (ТАСС).

Рассом А. Ҳолиқов чизган плакат.

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

17 апрель куни академик Н. Н. Блохин раислигида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси бўлди.

Комитет 1979 йилги Халқаро Ленин мукофотларини бериш тўғрисида тақдим этилган таклифларни кўриб чиқди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

(ТАСС).

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1979 ЙИЛГИ ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги ғоят катта хизматлари учун қуйидагиларга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари берилсин:

Урхо К. Кекконен —Финляндия республикасининг президенти.

Ле Зуан — Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

Мигель Отеро-Сильва — ёзувчи, жамоат арбоби (Венесуэла).

Эрве Базен — ёзувчи, жамоат арбоби (Франция).

Абдураҳмон ал-Хамиси — ёзувчи, жамоат арбоби (Миср Араб Республикаси).

Комитет раиси — **Н. Н. Блохин** (СССР).

Комитет аъзолари: **Г. В. Александров** (СССР), **Луи Арагон** (Франция), **Мирьям Вире — Туоминен** (Финляндия), **Ренато Гуттузо** (Италия), **Анна Зегерс** (ГДР), **Кешав Дева Малавия** (Ҳиндистон), **Сойло Мариньельо** (Куба), **Жеймс Олдриж** (Буюк Британия) **Нгуен Тхи Бинь** (ВСР), **Н. В. Томский** (СССР), **Юзеф Циранкевич** (ПХР), **А. Б. Чаковский** (СССР).

Урхо Калева Кекконен

Ле Зуан

Мигель Отеро-Сильва

Эрве Базен.

Абдураҳмон ал-Хамиси

ЯШАСИН МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ, ТИНЧЛИК, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШДАГИ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ—1 МАЙ!

КЕЛДИ БАҲОР, КЕЛДИ ШОНЛИ МАЙ,

Ангрендаги 9-шахта кончилари меҳнаткашлар халқаро бирдамлик куни — 1 Майни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Ушбу суратда илғор шахтёрлардан Р. Миникин (чапдан), Р. Аҳманов, И. Крячковский, С. Носиров, А. Алимов, Г. Низомиддинов, Н. Кострикиналарни кўриб турибсиз. Улар байрам олди социалистик мусобақаси голиблари бўлишди.

Э. Комич фотоси.

ЛЕНИН БИЗ БИЛАН

Биринчи Май байрами арафасида В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг экспозицияси кенгайтирилди. 30 апрель куни залларидан бирида «Ленин биз билан» деган нур билан ёритиладиган панорама тантанали равишда очилди. Панорама жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси тўғрисида, Ильич тузган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихи тўғрисида, Ленин васиятларининг абадийлиги ҳақида, мамлакат меҳнаткашлари ягона қардошлик оиласида КПСС XXV съездининг тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия ва халқ олдига қўйган вазифалар ҳақида ҳикоя қилади.

Ёритиладиган панорамани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

...Ильич портрети туширилган Қизил Байроқ фонида Ленин ҳужжатлари, тарихий фотосуратлар туширилган жуда катта китоб саҳифалари варақланади. Экранда совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида босиб ўтган шонли йўл босқичларини ёркин тасвирлаб берувчи картиналар бирин-кетин алмашади. В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» поэмасидан сатрлар, бошқа шоирларнинг шеърлари янграйди...

М. М. Степанянц бошчилигидаги рассомлар ва мутахассисларнинг катта группаси композиция яратиш устида иш олиб борди. Республика пойтахтидаги бир қанча корхоналарнинг коллективлари ёритиладиган панорамани тайёрлашда музей филиалига ёрдам бердилар.

Ёритиладиган панорама очилишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

МУСТАҲКАМ САФЛАР

Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Май — баҳор байрами ўлкамизга гулдан поёндоз тўшаб, қалбларга қувонч, шодлик улашиб кириб келди. Унинг ҳусни-жамоли бугун, айниқса дала-боғларда камолга етган, ойдек тўлишган. Она тупроқ бағридан ниш уриб чиққан ям-яшил ғўза ниҳоллари, каноп ва макка майсалари мисоли кўзга тўтиё. Меҳнат завқ-шавқи ҳам ундан илҳом олган. Даласига меҳр қўрини тўкиб ишлаётган механизатор йигит-қизлар қўшиғида ҳам май, баҳор ва меҳнат мадҳи.

Бу йилги баҳорнинг чиндан ҳам кўрки, файзи ўзгача. У меҳнатни қувонча ошно қилгани билан, айниқса фусункордир. Хўжалигимиз деҳқонлари 1180 гектар ерга энг қисқа вақт ичида — 4 иш кунида чигит экдилар. Ҳамма майдонларда уруғлик ернинг ўз намига бир текис ундириб олинди, биринчи комплекс ишлов бошлаб юборилди. Ёш коммунист, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ревизия комиссиясининг аъзоси Малика Алимова, район Советининг депутати, район партия комитетининг аъзоси Анифа Умарова, Закария Бурхонов, Абдурашид Усмонов ва бошқа фидойилар ўз агрегатларини маҳорат билан бошқармоқдалар. мурғак ниҳолларни меҳр билан ардоқламоқдалар. Улар эртанги кун ширин орзуси, тўкин-сочин олтин куз ишқи билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бу ташаббускор ёш коммунистлар кузги хирмон режасини ҳам тузиб қўйишган. Ҳар бирлари «пўлат этак»лардан эл хирмонига 130—140 тониадан «оқ олтин» тўкиш ниятидалар.

Ҳар йили карвонбошилар қаторида шаҳдам одим ташлаётган хўжалигимиз деҳқонлари бу йил ҳам катта режалар белгилаб, меҳнат қилишмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга гектаридан 40 центнердан, жаъми 4720 тонна пахта, 18 минг тонна каноп поляси, 100 центнердан маккажўхори дони, 80 центнердан шоли топширилади. Бу йил янада юксак марраларни кўзлашган. Гектаридан 42 центнер пахта, 230 центнер каноп пояси олишмоқчи.

Белгиланган режалар, олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли амалга ошуви коллективимиз ҳар бир аъзосининг масъулияти, ўз бурчига садоқати ва умум жамоат ишига, онгли муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам уларда юксак коммунистик онгликнинг ўстириш, чинакам ватанпарварлик фазилатларини тарбиялаш, ташаббус ва фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишга даъватлантириш муҳим аҳамиятга молик вазифадир. Колхоз партия, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг бутун фаолияти ана шу ҳаётий масалани ижобий ҳал этишга қаратилган. Бунда бизо доим фаоллик ва ошкораликка риоя этаяпмиз. Партия ва комсомол сиёсий маорифи ўқуви, иқтисодий таълим моҳияти ва сифатида изчилликни таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим «Колхозда ҳар бир киши ўқисин, ҳисоб-китобни билсин» шиори остида олиб борилаяпти. Ахир ҳамманинг фикр доираси кенг бўлса, бундан хўжаликка ҳам, жамиятга ҳам кони фойда эмасми.

Бугун бепоён далаларимизда меҳнат шукуҳи ҳар қачонгидан ҳам баланд. Колхозимиз пахтакорлари, лубкорлари, шоликор-у чорвадорлари, қаҳрабо дон ижодкорлари бир жон бир тан бўлиб, бунёд этилажак юксак хирмонлар ҳақида қайғурмоқдалар. Ҳамма-ҳамманинг ўрни бугун далада. Кўркам шийпонларуларнинг иккинчи уйи.

Бу маданий-маиший ҳордиқ масканлари аллақачонлар мавсумга тахт қилиб қўйилган. Бу ерда доим иссиқ таом, телевизор, радиоприёмник, газ, холодильник, телефон муҳайё.

Шинам жиҳозланган, озода ва ёруғ қизил бурчак хоналари колхозчиларнинг энг севган жойи. Хона деворларига жанговар шиорлар билан бирга турли мавзулардаги стенд ва жанговар варақалар осиб қўйилган. Улардан ким қандай шахсий мажбурият олган, звенолар, бригадалар ва колхоз бўйича қайси экиндан қанча ҳосил олиниши, ким билан ким мусобақалашганини осонгина билиб оласиз. Дарвоқе, бугунги баҳор байрами ҳам ана шу кўркам шийпонларда, яшил ниҳоллар табассумидан яшнаган қадрдон далаларда, озод ва шод меҳнат қучоғида ўтади.

Жамшид ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози партия комитетининг секретари.

ЧОРВОҚНИНГ НУР МАРЖОНЛАРИ

ЧОРВОҚ! Ўтмишда бу ерлар мудраб ётган кимсасиз тоғлар масканигина эди. Шу ерлик кексаларнинг гапига қараганда кечалари ҳатто овчилар ҳам қишлоқдан узоқлаб кетолмас, атроф ваҳимали ва қўркинчли бўларди. Бугун бу гаплар ҳудди эртакка ўхшайди. Чорвоқнинг қиёфаси ўзгача. У ҳозир айни шаҳар ғуснни олган. Тоғ бағрида жойлашган мўъжазгина кўркам шаҳарча. Нурчилар шаҳри.

Асов Чирчиққа жилов солинган. Ўз бағрида 2 миллиард кубометр об-ҳаётни жамлаган сунъий денгиз яратилди. Бу денгиз суви ўн мингдаб гектар далаларни яшнатиш билан бирга электр манбаи ҳамдир. У қудратли Чорвоқ ГЭСини ҳаракатга солиб, нур оқимини вужудга келтирмоқда. Чорвоқ кишиларичи! Улар ана шу нур маржонларини яратаётган бунёдкорлардир. Улар билан суҳбатда бўлсангиз, ўзларининг бунёдкорлик ишларидан фахрланиб, тўлқинланиб сўйлашади. Айниқса, шу кунларда. Чунки, яқинда чорвоқлик нурчилар яна бир улкан ғалабага эришишди — қурилаётган Ғазалкент ГЭСида тўғон бунёд этилди. Асов Чирчиқ дарёси учинчи марта тўсилди. Чорвоқ ва Хўжакент ГЭСларидан кейин бу — учинчи нур ўчоғидир.

Чорвоқ ва Хўжакент ГЭСлари ҳозир тўла қувват билан ишлаб, улар аллақачон ўзларига сарфланган ҳаражатни қоплаган ва эндиликда коммунизм учун хизмат қилмоқда. Республикамиз фахри бўлган бу нурхона бош агрегатлари олдида афсонавий Фарҳоднинг ҳайкали салобат билан мағрур боқаётгани, ГЭС биноси эса ўзбек миллий нақшлари билан безатилганлиги бежиз эмас. Ҳазрат Алишер Навоий бундан беш аср муқаддам Фарҳод образини яратиб, унинг қўлига қудратли чўқмор тутқазиб, тоғ теғишиб сув ўтказганида бизнинг замондошимиз бўлган фарҳодларни — Чорвоқ нурчиларини ақл-идроқ кўзи билан кўра олган бўлса ажабмас. Тоғлар бағрида бунёд этилаётган бу мураккаб иншоотларни қуриш ва фойдаланишга топширишда юзлаб инженер-гидротехниклар, мутахассис ишчилар фидокорона меҳнат қилишди ва қилишмоқда. 6-участка бошлиғи Г. Ахмедов, энг тажрибали прорабларс С. Рисқиқов, Н. Шерметов, Ш. Шомансуров, Т. Хабиев, бетон заводининг мастери М. Мирзаҳолов, энергоучасткасининг бош прораби Р. Норматов, мастерлар Б. Тожибоев, И. Кўчаровлар бошчилик қилаётган коллективлар социалистик мусобақанинг доимий пешқадамларидир. Қурилишда Злобин усулида ишлаётган Октябрь Революцияси ордени кавалери Э. Йўлдошев, Узбекистон гидроқурилишлари ветерани, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган қурувчи И. Мосоловлар бошчилик қилаётган бригадалар юксак самарадорлик ва иш сифатини таъминлаш бўйича фақат республикада эмас, балки Иттифоқка танилганлар. Ҳозирга келиб Чорвоқ ва Хўжакент ГЭСларининг энергияси республикамиз саноатини, денгиз суви эса қишлоқ хўжалигини электр энергияси ва обиҳаёт билан бир маромда таъминламоқда. Фақат Чорвоқ тўғони пахта плантацияларига бир секундда 600—700 кубометр сув беряпти.

Бунёд этилаётган Ғазалкент ГЭСида меҳнат симфонияси авжида. Бу ерда бригадаларо ва шахсий меҳнат беллашуви кенг йўлга қўйилган. Механизаторлар И. Мосягин, Е. Михайлов, Э. Эшонқулов, М. Аҳмедов, Р. Шеров, қурувчилар В. Азов, М. Романенко, Э. Мухонов, Е. Московскийлар смена топшириқларини бир ярим-икки бараварга отказиб адо этишяпти. Қурилишда ҳар куни бажарилаётган иш инженерлик графиги асосида олиб борилмоқда. Гидропроспектининг сув чиқариш каналида иш айниқса қизғин. Бу участкада И. Мосолов бошлиқ бригада азаматлари, А. Майер бошлиқ экскаваторчилар экипажи фидокорона ишлашяпти.

Ғазалкент тўғони қуриб битказилгач Чирчиқ сувн қардош республикаларга ҳам етиб боради. Ҳозирги кунларда Қозоғистон — Ғазалкент номли дўстлик канали жадал барпо этилмоқда. Чорвоқ қурувчилари Ғазалкент ГЭСидан сўнг Пском ГЭСини қуришни режалаштиришган. «ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармаси коллективи олти йилдан бери СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг кўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келяпти. Чорвоқ нур маржонларининг бунёдкорлари бундан буён ҳам янада зарбдорчасига ишлаб, ютуқларни мустаҳкамлайверади.

Ш. БАЕНОВ,
Ғазалкент ГЭСи қурилиш 2-участкасининг бош прораби.

ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ УЧИНЧИ МАРТА ТЎСИЛДИ

ТАНТАНАВОР ҲАЁТ

Май — оламнинг ям-яшиллиги,
Мовий осмон, ярқироқ қуёш.
У қалбимнинг дарчаларидан
Оқиб кирар — бир дунё қувонч.
Оқиб кирар вужудимга у
Ут-ўланнинг хуш атри ила.
Байроқларнинг қизғишлигию
Эркин қушлар шўх сатри ила.
У гўё бир баланд нуқтаким, —
Кенг оламни кўрсатар аён.
Ғўзалликлар мавжин кўраман, —
Севинч билан бўкмайни қаён.
Улуғ Ватан қаршимда пайдо,
Куч ёғилар бутун жисмидан.
Янги зафар муждаси келар
Ҳар бурчидан, ҳар бир қисмидан.
Меҳнат, ижод, юксалиш, парвоз,
Севги, севинч унга пайваста.
У инсоний қадр ва эъзоз,
Яхшиликдан барпо гулдаста.
Жанубдаги ўт нуқталардан
Олис Шимол уфқигача то —
У эзгулик намойишидир —
Виқорли тоғ, қудратли дунё.
Боши узра ёнар ол байроқ —
Ва юлдузи сочар ёркин нур.
Дунёдаги эрксевар эллар
Ундан ёғду ва илҳом олур.
Беш йилликнинг оқими ичра
Бир нуқтадек оқарман мен шод,
Қутлагумдир сени, азиз Май, —
Тантанавор қадамли ҳаёт!

Жуманиёз ЖАББОРОВ.



Республикамиздаги сирт қи қишлоқ хўжалик техникумида 2 мингдан кўпроқ талаба ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олмоқда. Суратда: техникум ўқитувчиси Ўринбек Арашев учинчи курс студентлари билан лаборатория машғулотлари ўтказаётир.

С. Икромов фотоси.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Тошкент экскаватор заводининг коллективи Биринчи Майни меҳнатда муваффақиятлар билан кутиб олмоқда: тўрт ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Завод ишлаб чиқараётган «Э-304-Г» экскаваторига давлат Сифат белгиси берилди.

Корхона коллективи фахрли бешбурчак билан нишонланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йил охиригача умумий ҳажмнинг 40 процентига қадар етказиш мажбуриятини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ХУШ КЕЛИБСАН

Ўлкамизга хуш келибсан, марҳабо май байрами,
Хислатинг мингдир, бири—бу хушхаво май байрами.
Тоғи-тошлар бағрида гул ундириш бир мўъжизанг,
Сенга қойил жумла аҳли кимё, май байрами.
Бехато кўз ёрди ер, хурсанд табиат доясн,
Кўп суюнчилар кетирдинг бебаҳо, май байрами.
Парвариш қилмоққа моҳир пахтакор бел боғлади,
Ҳар бирин юз бор ўпиб бердинг жило, май байрами.
Қийдириб турли дарахтларга нафис гулдан либос,
Айладинг эллари шоду маҳлиё, май байрами.
Боғ аро мақтайди булбул бу аъмолингни кўриб,
Турли қушлар тилида сен—шўх-шўх наво, май байрами.
Ҳар ишоранг катта ҳосил бирла тўйлардан дарак,
Айлагил минг йил яна шу хил иимо, май байрами.
Карнаю сурнай садосига кирди танбур, дутор,
Ой эшитгач дейди: ерда маҳлиқо май байрами.
Мўйсафид Чустийга бердинг янги ёшлик муждасин,
Тухфа қилдинг ошнога ошно май байрами.

ЧУСТИЙ.

ЯШИРИН САЙЛЛАРДАН...

ЎЛКАМИЗДА 1 Май оммавий равишда дастлаб 1905 йилда, гарчи нолегал тарзда бўлса ҳам нишонланди.

Бу вақтга келиб Россиядаги биринчи рус революциясининг дастлабки бўронлари, рус-япон урушининг фалокатли оқибати таъсирида ўлкамизда ишчилар ҳаракатининг дастлабки кўтарилишлари содир бўлган. Ишчилар орасида Россия социал-демократик партияси Тошкент группасининг обрўси анча ошган эди.

Ана шу группа 1905 йил 1 Май арафасида учта нолегал варақа чиқариб, уларда пролетар байрамининг оламшумул аҳамияти баён этилган, ишчиларга ўз бирдамлик байрамларини уюшқоқлик билан ўтказишга, шу орқали чор самодержавесининг халққа қарши қаратилган сиёсатига қатъий норозилик билдиришга даъват қилинди.

1 Май куни шаҳар ташқарисида уч жойда — Тезиков дала ҳовлисида, Бўзсув ҳамда Боткин қабристони атрофида социал-демократлар раҳбарлигида нолегал оммавий йиғилишлар ташкил этилди. Унда темир йўл устахоналари, шаҳардаги бошқа корхоналардан келган ишчилар, ҳунармандлар, солдатлар, зиёлиларнинг вакиллари иштирок қилди. Улар орасида ўзбек ишчилари ва ҳунармандлари ҳам бор эди.

Нолегал йиғилишда РСДРП Тошкент группасининг активлари йиғилганларга 9 январь — «Қонли якшанба» воқеалари, рус-япон урушининг бутун мамлакат бошига бало келтирган оқибатлари тўғрисида ҳаяжон билан сўзлаб беришди. Улар Туркистон ўлкасининг барча ишчиларини социализмнинг қизил байроғи остида бирдам бўлиб, самодержавнега қарши изчил кураш олиб боришга чақирдилар.

1906 йили эса 1 Май байрами бутун Туркистонда, айниқса, Тошкентда бундан аввалги йилдагига нисбатан анча кенг миқёсда нишонланди. Шу кунга атаб ўлкадаги барча йирик корхоналарнинг ишчилари иш ташладилар. РСДРП Тошкент группаси эса «Пролетар байрами» варақасини чиқарнб, ишчилар орасида тарқатди. Варақада 1 Май куни иш ташлаб, ишчилар синфини эзувчиларга қарши революцион норозилик билдиришга даъват қилинган эди.

Тошкент бош темир йўл устахонасининг ишчилари икки кун аввал 1 Майда ишга чиқмаслик тўғрисида қарор чиқардилар. Бу ҳақда устахона бошлиғи огоҳлантириб қўйилди, аммо у қаршилик билдирди.

Намойишларнинг олдини олиш мақсадида устахоналарда Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи генерал Ульянин телеграммаси осиб қўйилган эди. Телеграммада темирйўл ишчи-хизматчилари учун 1 Майни нишонлаш ман этилган, прогул қилганларга штраф солиш тўғрисида буйруқ берилган эди.

Шуларга қарамай, 1 Май куни ишчиларнинг кўпчилиги устахонага келмади. РСДРП Тошкент группасининг даъватига биноан, ишчилар, ҳунармандлар, бир группа солдатлар, ўқувчи ёшлар чор амалдорларидан яширинча, Қорасув нариғидаги хусусий уйлардан бирида ишчи маёвкасига йиғилишди. Унда 300 дан ортиқ киши қатнашди.

Эртасигаёқ темир йўл устахонаси ишчиларига штраф солинди. Ишчилар бунга қатъий норозилик билдиришди. Икки ўртадаги тўқнашув салкам 60 кун давом қилиб, ниҳоят, ишчилар фойдасига ҳал бўлди. Бўшатилган ишчилар яна ишга қабул қилинди, ишга чиқмаган 15 кун учун ҳақ тўланди.

Шуниси диққатга сазоворки, Туркистондаги бошқа шаҳарларнинг ишчилари, солдатлари тошкентлик биродарларини ёлғизлатиб қўймадилар. Уларга хайрихоҳлик билдириб, хатлар, телеграммалар юбориб турдилар, ўзлари пул йиғиб, Тошкент ишчиларига юборишди.

И. СУЛТОНОВ.

БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ

Узбекистон ССР Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номли қўлёзмалар институти директори филология фанлари доктори, профессор **Азиз ҚАЮМОВга**

Алломалар жавоҳири
қўлингизда,
Ҳар дастхатлар сўйлаб
берар шонли тарих,
Навоийга бўстон битиб
йўлингизда,
Эл ичида орттирдингиз
буюк таъриф.
Хазинабон, Сизга бордир
талаб мудом,
Жовонларда ётган ҳаёт
кирсин тилга,
Аждодларнинг
шеърхонлиги этиб давом,
Ўтмишдошлар мангулиги
кўчсин дилга.

Ёзувчи **Санд АҲМАДга**

Ғафур Ғулом шийпонида
мижжа қоқмай бир кеча,
«Вақт» деган жонон шеърга
дов бўлган Сандаҳмад,
«Уфқ»ка мафтун бўлиб,
«Қирқбеш кун» лой, сув
кечиб,
«Келинлар қўзғолони»н
бошлаб қўйган
Сандаҳмад.

Ҳажвчилар пиридир,
миниатюралар шоввози,
Бир кирписа биракай номм
тушмас экрандан,
«Бурунбой»лик даврида
редакциялар шайдоси,
Нега энди газетни эта
қолдийкин канда!!

Чирчиқ «Промтехмонтаж» бошқармасининг монтажчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Мажид АБДУРАШИДОВга**

Инсон борки мақсади улуғ:
Нурга чўмсам дейди
дунёни,
Ҳам одимим бўлса-да
қутлуғ,
Из қолдирсам яшаб ва
ёниб,
Шу орзуси Мажидга ҳар он
Эди ҳамроҳ илҳомбахш
йўлдош,
Шу орзуда бўлди қаҳрамон
Шу орзуси ҳамон унга
бош.

КПСС XXV съезди делегати, Узбекистон ССР Олий Совети депутати, «Ташсельмаш» заводининг пайвандчилар бригадаси бошлиғи **Маҳмуд МЎЙДИНОВга**

Тақдирин қўл билан яратур
одам,
Бу нақл нақадар ҳаётий
ва чин:
Оддий ишчиликдан
ташланган қадам,
Кремль зарвагача ёзди
қулочин.
Темирни темирга упаркан
шитоб,
Дейди у зафарга бўлмас
ниҳоя,
Ишчи камолидан ёзилса
китоб,
Мўйдинов нўлининг ўзи
кифоя.

ЭЛИМИЗГА БАҒИШЛАБ ЧИРОЙ

Табиатнинг гўзаллиги, саҳийлиги, тантилигига тан бериб, завқланмоқчи бўлсангиз, яйлов кезинг. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Лолақизғалдоқлар гиламга солинган гулдек кўзни қамаштиради. Дилингизни қувонтириб, яйратади. Ҳар томонга кафтдаги чизиқлардек тарқалган илон изи йўллардан қирлар оша, сойлар оша илгарилаб бормоқдамиз. Ана, тўда-тўда бўлиб қўй-қўзилар ўтлаб юрибди. Ўз меҳнатидан мамнун, мард, фидокор чўпонлар постида сергак.

— Байрамни ёруғ юз билан кутиб олдик,— дейди Чиноз районидаги Жамбул номли совхоз директори Раҳматилла ака Саъдуллаев.—Ҳозиргача 20 минг 100 бошдан ортиқ қўзи олинди. Ҳар юз бош совлиқдан олинган қўзи ўртача 112 таданга тўғри келди.

Директор хўжаликда маҳоратли, тажрибали, ўз бурчига садоқатли чўпонлар сафи йил сайин кенгайиб бораётганлигини фахр билан сўзлайди. Булар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Номозбой Шуйбековнинг издошлари Сотиболди Қушқиноев, Юсуф Бакиров, Собир Маъзумов, Пардавой Шинаев, Қулбек Фозилов, Омон Тунгишбоев сингари ўртоқлар...

Ҳозир чўпонлар ҳаётида яна бир масъулиятли мавсум бошланди. Баҳорги жун қирқишга ҳам киришилди. Бу иш совхознинг Жиянтой Бейсенов бошлиқ бўлимида марказлаштирилган.

Қўра ичкарисига кирамиз. Ҳовлида отарлардан келтирилган қўйлар. Ўнг томондаги бостирма тагида иш қизғин эди. Ўн чоғлик ишчи жун қирқиш билан банд. Электр машиналари бирваракайига ишга тушганда гўё шаршарадан сув тушмоқда дейсиз.

— Ҳорманглар,— дейди директор навбатдаги қўйнинг жунини қирқишга тайёргарлик кўраётган илғор ишчилар Болхон Турғунбоев, Ҳолмурод Исоқов ўртоқлар билан кўришаркан.

— Саломат бўлинг,— дейишди чўпонлар.

— Кеча қанчадан бўлди?

— Ҳар биримиз 80 килограммдан жун қирқиб топширдик.

— Демак, бир кунда қирқ сўмдан ишлабсизлар-да,— деди директор,— сўнг тушунтирди. Жун қирқишни узоғи билан 9 майгача тугаллашга аҳд қилдик. Бу ҳар тарафлама фойдали. Жун қанчалик барвақт қирқилса, қўй шунчалик тез семиради. Шунинг учун маъмурият ҳақ тўлашнинг янгича тартибини жорий этди. Ҳар бир килограмм қирқилган жунга 50 тийиндан нақд пул тўланади.

— Лекин,— деб алоҳида таъкидлади директор,— иш сифатли бўлсин, акс ҳолда...

Яйлов кезишда давом этамиз. Кўп ўтмай ташаббускор чорвадорлар изидан бориб, йил сайин ажойиб ютуқларни қўлга киритаётган Пўлат Мусировнинг отарига етиб келдик. Чўпонлик унга ота касб.

— Ўглим,— деган эди отаси Болтабой ака унга чўпонлик таёғини топширар экан,— эл ҳурматини қозонаман, меҳнатим қадрли бўлсин, десанг қийинчиликлардан ҳеч вақт чўчима. Эришган ютуқларинг билан мағрурланма. Ҳамиша олдинга қараб юр!

Пўлат отасининг ўгитларини знёдаси билан бажармоқда. Шунинг учун ҳам унинг довруғи довон ошаётир. Беш йиллик планни тўрт йилда бажарди. Район советининг депутати. Ўтган йили ҳар юз совлиқдан 133 тадан соғлом қўзи олган эди. Бу йил 135 тага етказди.

Биз уни ўз ўғиллари — бўлажак чўпонлар Араф, Марат, Қайрат, Қанотлар билан Сариқбел сойининг қуйи томонидан учратдик.

— Чўпоннинг ҳаёти яйлов билан, қўй-қўзи сурувлари билан боғлиқ,— деди у,— мен ўзимга ажратилган яйловларни беш қўлдек биламан. Қайси маҳалда, қайси фаслда қўйларни қаерда ўтлатиб, яйратиб боқиш фойдали эканлигининг ҳисобини қиламан. Қўйларни доимо семиз бўлишига эришиш керак. Совлиқ семиз бўлса қисир қолмайди. Соғлом бола олинади.

Ўша куни бошқа отарларда ҳам бўлдик. Ҳамма ерда байрам кайфияти. Чўпон-чўлиқларнинг шодлиги бир олам. Уларнинг руҳлари тетик эди. Чунки улар элга берган ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар.

Кечга томон совхоз марказига келдик. Чўл қўйнидаги юлдуз дейсиз бу ердаги кичик шаҳарчани. Бундан икки-уч йил илгари 70 километрлик масофадан совхозга сув ташиб келтирилар эди. Ўтган йилдан бошлаб эса чўлга сув, демак, нур келди. Қўйчиликдан олинаётган мўмай даромаднинг каттагина қисми ободонлаштириш ишларига сарфланмоқда. Болалар боғчаси, мактаб, магазин, амбулатория, ҳаммом, сартарошхона, меҳмонхона бинолари қурилиб, ишга туширилганига анча бўлди.

Кўчанинг ўнг томонига қурилган катта клуб ва маъмурий бино чўл ҳусни янада очиб юборди. Клуб олди гулзор қилинди, бир томони эса боғзор. Яна икки-уч йилдан сўнг бу ерга келинг, истироҳат боғидан фарқи қолмайди. Клубнинг орқа томонида кичкинагина сув ҳавзаси барпо этилади. Боғ ва гулзорлар орасига скамейкалар қўйилади. Чўпонлар чўлдан келганларида бу ерда ҳордиқ чиқарадилар.

— Режаларимиз катта,— дейди директор,— хўжалигимиз тармоғи ҳам кенгайиб бораяпти. Чўчқачилик, қорамолчилик, товуқчилик фермаларини ҳам ташкил этдик. Салкам 700 гектар суғориладиган экин майдонимиз бор. Боғ ташкил этганмиз. Сабзавот етиштирамиз. Чўпонларимиздан ортган маҳсулот давлатга топширилади.

Чўл қўйнида ташкил этилган Келес массивидаги Жамбул номли совхоз аъзоларидан йил сайин дадил одимлар билан янги марраларни забт этмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар хушнуд ва шодон эдилар.

Н. РИҲСИЕВ.

Я Й Л О В Д А

Суратларда: (чапдан) жун қирқиш пайти. Совхоз директори Р. Саъдуллаев ва партия ташкилотининг секретари А. Саксонбоев ўртоқлар ишчи А. Гаффоров қирқаётган жунинг сифатини кўздан кечирмоқдалар. Яйловда.

А. Абалян фотолари.

КОММУНИЗМ БИНОКОРИ, БУТУН ДУНЁДА ТИНЧЛИК УЧУН ИЗЧИЛ КУРАШЧИ— УЛУҒ СОВЕТ ХАЛҚИГА ШОН—ШАРАФЛАР!

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЎКА. «Кўкорол» совхозининг Э. Оқмуродов бошлиқ бригадаси аъзолари чигитни бир текис ундириб олиб, гўза қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юборишди. Ҳозир механизаторлар Н. Қаҳҳоров ва З. Мирзаевлар кунига 6—7 гектардан майдондаги ниҳоллар қатор ораларини сифатли юмшатишяпти.

Бу бригада пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган.

Ҳ. МИРСОЛИЕВА.

ПИСКЕНТ. Бу йил 45 центнердик маррани кўздаган 2-«Пискент» совхозининг Г. Мамедов бошлиқ бригадаси пахтакорлари гўза культивациясини кучайтириш чораларини кўришмоқда. Ҳозир иккита агрегат билан қатор ораларини юмшатиляпти. Механизаторлар А. Жабборов ва Ш. Бекмурадовлар бу ишда намуна кўрсатишяпти. Дала гвардиячилари гўза қатор ораларига биринчи ишлов беришни тугаллашди.

1-«Пискент» совхозининг Ў. Мубораков бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам гўза парваришини қизғин давом эттиришяпти.

С. СУЛТОНОВ, С. АҲМЕДОВ.

Шунингдек **А. Иброҳимов, М. Жўраев, Ф. Шоймуҳамедова, А. Юнусмуҳамедов, О. Ҳамроев, Ҳ. Шосанамова, А. Исомжонов, Т. Дўсонов, С. Деҳқоновлар** ҳам шу кунларда далаларда олиб борилаётган ишлар ҳақида ёзиб юборишган.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК УЧУН

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ АКАДЕМИК Н. БЛОХИН ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Кишилар бахт-саодатга бўлган ишончни, келажакка бўлган умидларини, яшаш ҳуқуқининг ўзини тинчлик билан боғлайдилар. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш — халқаро муносабатларнинг марказий проблемасидир. Ижтимоий тараққиёт истиқболлари, инсониятнинг тақдири ана шу проблеманинг ҳал этилишига боғлиқ. Агрессия кучларига қарши сабот ва изчиллик билан курашиб келаётган, тараққиёт ва эркинлик ишини ҳимоя қилаётган совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати ер юзидаги гоят кўп аҳолининг ҳаётдаги манфаатларига мос келади.

Советлар мамлакатини тинчлик байроқлари қилган бу сиёсатнинг негизларини буюк Ленин асослаганди. Россиядаги социалистик революция тинчлик шиори остида вужудга келди. Октябрь Ватани империализмнинг зардобор кучларини тор-мор қилиб, 35 йил муқаддам халқларга яна тинчлик келтирди. Етмишинчи йилларда СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчликсевар ташаббуслари кескинликни юмшатиш учун мустаҳкам замин яратди. Тараққийпарвар инсоният В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини нишонлаётиб, Совет Иттифоқининг Ленинча ташқи сиёсатига, КПСС Ўртага қўйган ва амалга ошираётган тинчлик программасига юксак баҳо бермоқда.

Империализмнинг, аввало Америка империализмининг ташқи сиёсатида хатарли бурилиш рўй берган ҳозирги пайтда, яна жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъволари қўйилаётган, ҳарбий талваса авж олдирилаётган ва қуролланиш пойгаси жадаллаштирилаётган пайтда социализм кучлари тағин ҳам мустаҳкамланиб, урушга қарши, империализмга қарши бўлган барча тинчликсевар кучлар жипслашиб, социализм кучлари янада мустаҳкамланганидагина инсоният нажот топиши мумкин.

Европа Коммунистик ва ишчи партияларининг тинчлик ва қуролсизланишга бағишлаб Парижда ўтказилган учрашуви қатнашчилари халқларни уруш хавфига қарши курашга даъват этдилар.

Тинчлик, кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик учун кураш олижаноб идеаллари кўпгина атоқли давлат арбоблари, сиёсий арбоблар ва жамоат арбобларини илҳомлантирмоқда. СССР Олий Советининг Президиуми таъсис этган «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти шу курашга қўшган ҳиссаси кўпчиликка манзур бўлган кишиларга бериладиган юксак мукофотдир. Бу мукофот лауреатларининг сафларига бешта янги номлар қўшилди, Совет ва чет эл жамоатчилигининг таниқли вакиллари кирган комитет 1979 йилги халқаро Ленин мукофотларини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Лауреатлар орасида Финляндия республикасининг президенти **Урхо К. Кекконен** бор. Унинг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти Европада ва бутун дунёда яхши маълум. Финляндиянинг атоқли давлат сиёсий ва жамоат арбоби У. К. Кекконен Финляндия парламентининг раиси бўлган, унинг ҳукуматига бошчилик қилган, 1956 йилдан эса республика президенти лавозимида ишламоқда. У президент Ю. Паасивики билан бирга Совет Иттифоқи билан дўстликка қаратилган Финляндия тинчликсевар ташқи сиёсий йўлига асос солди ва қариб чорак асрдан бери мана шу йўлни амалга оширишга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу йўл «Паасивики Кекконен» йўли деган ном олди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Финляндиянинг пойтахти Хельсинкида бўлган кенгашни тайёрлаш ва ўтказишда Финляндия давлат раҳбарларининг қўшган ҳиссаси яхши маълум. Финляндия президенти У. К. Кекконен раҳбарлигида кенгаш якунловчи актининг ҳамма принципларига ва моддаларини оғишмай амалга ошириш учун курашмоқда.

Финляндия республикасининг президентни қуроллариш пойгасини тўхтатиш, Европада қурол-яроғларни чеклаш йўлидаги янги хил ялпи қирғин қуроллари ишлаб чиқилишига қарши сабот билан курашмоқда. Унинг Европа шимолини ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусларини маъқулловчилар кўп бўлди. Финляндия БМТнинг кейинги сессиясида Европа учун қуролсизланиш программасини ишлаб чиқиш тўғрисида киритган таклиф конструктив жиҳати билан ажралиб туради.

Вьетнам халқининг шонли фарзанди, халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари **Ле Зуаннинг** кўп ёқлама фаолияти тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган меҳнаткашларнинг, эзгу ниятли барча кишиларнинг ҳурмат эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Ле Зуан партия сафига кирган 1930 йилдан бери унинг ҳаёти Вьетнам халқининг миллий озодлик учун, Вьетнамда социализм қалабаси учун қаҳрамонона кураши билан чамбарчас боғланган. У шу курашда актив қатнашганлиги, марксизм-ленинизм идеяларини пропаганда қилганлиги учун неча бор қамоққа олинган эди. Хо Ши Миннинг жангговар сафдоши Ле Зуан Вьетнам халқининг Франция мустамлакачиларига, Америка агрессорлари ва Хитой гегемончиларига қарши курашидаги катта ғалабаларида муҳим роль ўйнади.

1960 йилда Ле Зуан ВКП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб, 1976 йилда эса Бош секретари қилиб сайланди. Кўп йиллар Ле Зуан бошчилик қилган ВКП Марказий Комитетининг раҳбарлигида Вьетнам халқи қардош мамлакатларнинг актив мадади билан социализм моддий техника базасини қуришда ажойиб муваффақиятларга эришди.

Ле Зуан партиянинг Вьетнам халқининг мустақиллик ва озодлик шароитларидаги тинч ва бахтиёр ҳаёт сари интилишларига мос келувчи ташқи сиёсий йўлини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга катта шахсий ҳисса қўшди. Бу йўл СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан Сариқбел сойининг қуйи томонидан учратдик.

— Чўпоннинг ҳаёти яйлов билан, қўй-қўзи сурувлари билан боғлиқ,— деди у,— мен ўзимга ажратилган яйловларни беш қўлдек биламан. Қайси маҳалда, қайси фаслда қўйларни қаерда ўтлатиб, яйратиб боқиш фойдали эканлигининг ҳисобини қиламан. Қўйларни доимо семиз бўлишига эришиш керак. Совлиқ семиз бўлса қисир қолмайди. Соғлом бола олинади.

Ўша куни бошқа отарларда ҳам бўлдик. Ҳамма ерда байрам кайфияти. Чўпон-чўлиқларнинг шодлиги бир олам. Уларнинг руҳлари тетик эди. Чунки улар элга берган ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар.

Кечга томон совхоз марказига келдик. Чўл қўйнидаги юлдуз дейсиз бу ердаги кичик шаҳарчани. Бундан икки-уч йил илгари 70 километрлик масофадан совхозга сув ташиб келтирилар эди. Ўтган йилдан бошлаб эса чўлга сув, демак, нур келди. Қўйчиликдан олинаётган мўмай даромаднинг каттагина қисми ободонлаштириш ишларига сарфланмоқда. Болалар боғчаси, мактаб, магазин, амбулатория, ҳаммом, сартарошхона, меҳмонхона бинолари қурилиб, ишга туширилганига анча бўлди.

Кўчанинг ўнг томонига қурилган катта клуб ва маъмурий бино чўл ҳусни янада очиб юборди. Клуб олди гулзор қилинди, бир томони эса боғзор. Яна икки-уч йилдан сўнг бу ерга келинг, истироҳат боғидан фарқи қолмайди. Клубнинг орқа томонида кичкинагина сув ҳавзаси барпо этилади. Боғ ва гулзорлар орасига скамейкалар қўйилади. Чўпонлар чўлдан келганларида бу ерда ҳордиқ чиқарадилар.

— Режаларимиз катта,— дейди директор,— хўжалигимиз тармоғи ҳам кенгайиб бораяпти. Чўчқачилик, қорамолчилик, товуқчилик фермаларини ҳам ташкил этдик. Салкам 700 гектар суғориладиган экин майдонимиз бор. Боғ ташкил этганмиз. Сабзавот етиштирамиз. Чўпонларимиздан ортган маҳсулот давлатга топширилади.

Чўл қўйнида ташкил этилган Келес массивидаги Жамбул номли совхоз аъзоларидан йил сайин дадил одимлар билан янги марраларни забт этмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар хушнуд ва шодон эдилар.

Н. РИҲСИЕВ.

«Ҳалқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти комитетининг раиси академик Н. Блохин ҳикоя қилади тилига ҳам таржима қилинган.

М. Отеро — Сильва Испания республикачиларининг фашизмга қарши курашида қатнашган, Венесуэла журналистлари уюшмасининг президенти, Венесуэла миллий конгрессининг сенатори бўлган. У Чилидаги фашистлар режимини, Латин Америкасининг бошқа мамлакатларидаги АҚШ империализми гумашталарининг реакцион диктатураларини ғазаб билан фош қилмоқда, тинчликни ҳимоя қилиш, кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун эҳтирос билан курашмоқда.

Франциялик атоқли ёзувчи **Эрве Базен** озодликка меҳри — муҳаббати, фашизмга нафрати билан ажралиб туради. Машҳур Гонкурлар академиясининг президенти бўлган Эрве Базен турли мамлакатларнинг ёзувчилари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга актив кўмаклашмоқда. У иккинчи жаҳон уруши йилларида қаршилик ҳаракатида актив қатнашган. Э. Базен ҳозирги вақтдаги Чили фожиасидан изтиробланиб «Оташ дамини оташ қирқади» романида уни баён қилди. Э. Базеннинг совет ишчиларига яхши таниш китобларини бутун дунё ўқимоқда. Ёзувчи бу китобларда ифодаланган социал адолат, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик идеалларини ўзининг ижтимоий фаолиятида ҳам ҳимоя қилмоқда.

Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг актив тарафдори Э. Базен Софияда «Ёзувчи ва дунё. Хельсинки руҳи ва маданият усталарининг бурчи» деган мавзуда ўтказилган халқаро учрашувнинг ташкилотчиларидан бири бўлганди. Франция тинчлик ҳаракати миллий бюросининг аъзоси Э. Базен халқаро кескинликни юмшатиш, тинчликни ҳимоя қилиш, маданий бойликларни муҳофаза этиш заруратини қарор топдирмоқда.

Халқаро Ленин мукофотининг янги лауреатлари орасида мисрлик яна бир ёзувчи — **Абдураҳмон ал-Ҳамиси** бор. Совет китобхонига таниш унинг китоблари араб мамлакатларида шуҳрат топган. Миср халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши миллий озодлик курашининг актив қатнашчиси, иккинчи жаҳон уруши йилларида антифашист публицист, қизғин ватанпарвар ва Мисрдаги реакцион подшолик режимининг муҳолифи А. ал-Ҳамиси Жамол Абдул Носирнинг империализмга қарши йўлини, унинг Миср нинг тинчликсевар кучлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантириш йўлини бутун қалби, бутун кучғайрати билан қўллаб-қувватлади.

Ҳозир А. ал-Ҳамиси мамлакатнинг ватанпарвар кучларини бирлаштириш борасида катта иш олиб бормоқда, АҚШ ҳомийлигидаги Миср — Исроил селарат битимларига қарши арабларнинг прогрессив антиимпериалистик негизидаги бирлигини мустаҳкамлаш учун, Яқин Шарқдаги можарони одилона сиёсий бартараф этиш учун курашмоқда.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашда катта хизмат кўрсатган ана шу кишилар Халқаро Ленин мукофотига сазовор бўлдилар. Эътиқодлари турлича бўлган бу кишилар халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун озодлик ва социал-тараққиёт учун курашишдан иборат буюк ишга ўзларини бағишладилар. (ТАСС).

ЯШИЛ МАЙСАЛАР

Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозининг Турсунали Миназров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари бу йил 100 гектар ерга дон учун маккажўхори эккан эдилар. Ҳозир далаларни яшил майсалар қоплаяпти. Бригада аъзолари маккажўхорига дастлабки ишлов беришни қизғин олиб бормоқдалар. Қисқа муддат ичида 50 гектар ердаги экин қатор оралари сифатли юмшатиб чиқилди. Бунда механизаторлар Абдуқосим Нўлдошев ва Сарвар Фозиловлар жонбозлик кўрсатишяпти. Улар кунига 7—8 гектар майдондаги маккажўхорини культивация қилмоқдалар. Ишлов берилган ёш ниҳоллар кун сайин яшнаяпти.

Бригада комсомол-ёшлари бу йил ҳар гектар майдондан 100 центнердан «қаҳрабо дон» етиштириш учун курашаётирлар.

О. ҚОЗОҚБОЕВ.

„БУ ТИРИКЛАРГА КЕРАК“

Тошкент Давлат маданият институтининг сиртқи бўлим битирувчилари маданий оқартув кафедрасининг катта ўқитувчиси Л. И. Косухина раҳбарлигида театрлаштирилган томошалари ана шундай деб аталади. У фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 35 йиллигига бағишланди.

Студентлар саҳнада оловли йиллар руҳини акс эттирдилар. Концлагерларда аёллар ва болаларни қийноққа солган фашист каллакесарларининг жирканч башараси очилди. Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида жон фидо қилганларни улуғладилар.

Битирувчилар саҳнага олиб чиққан томошалар пойтахтдаги «Қизил тонг» тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида намойиш қилинди. Бу ерда, Улуғ Ватан уруши ветеранлари — институтнинг кекса ўқитувчиларн ва маданият ходимлари меҳмон бўлдилар.

50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

Бригада бошлиғи Гунали ака Жабборов эгатларда бир текис саф тортган яшил майсаларни кўриб, қалби қувонча тўлди. Чигит экишни қулай агротехника муддатларида ўтказганликлари учун у тупроқ намига бир текис ундириб олинди. «Культивацияга зўр бериш керак, — ҳаёлидан ўтказди бригадир. — Қатор ораларни майин қилиб юмшатилса, ниҳоллар тез авж олади».

Худди шу пайт узоқдан тракторнинг овози қулоққа чалинди. Бу механизатор Ф. Раҳмонов трактори билан гўза қатор ораларига ишлов беришни бошлаганидан дарак берарди. Бригада бошлиғи ўша томон йўл олди.

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг Г. Жабборов бошлиқ бригадаси аъзолари областимиз мўл ҳосил усталарининг ташаббусига қўшилиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга азму-қарор қилишган. Улар ҳозирги кунларда гўза қатор ораларига ишлов беришни жадал суръатларда олиб бораётирлар. Механизатор Ф. Раҳмонов кунига 7—8 гектар майдондаги гўзани культивация қиляпти. Бригада аъзолари тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга катта эътибор беришмоқда. Улар пайкалларнинг четларига, ўқариқларга, дарахтларнинг остига ҳам қўлда чигит экиб чиқишди. Бу ишларда меҳнатсевар колхозчилардан Э. Сиддиқова, А. Абдужабборов, Н. Жабборовалар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Эллик центнерчилар область пахтакорлар Советининг тавсиялари асосида гўза парваришини янада кучайтириш учун барча имкониятларни ишга солишяпти.

Ҳ. ШОЗАДАҚУЛОВ.

ОРЗУ ЙЎЛИДАН

Тошкент Давлат университети... Бу дорилфунун ҳақида Ҳолида илгари ҳам кўп эшитган ва газета-журналлардан ўқиган эди. Ҳали Ўрта Осиёда маърифат нури тарқалмаган бир пайтда Москва ва Петрограддан Тошкентга йўл олган зиёбахш олимлар, педагоглар сиймоси унинг қалбида беҳад қувонч ва миннатдорчилик ҳиссини жўштирарди. Доҳий йўлланмаси билан келган устозларга меҳри ортарди.

Қандай бўлмасин университетда илм олиш иштиёқи билан яшарди. Ўрта мактабни битиргач, Ҳолида Қосимова ҳужжатларини ТошДУнинг филология факультетига топширди.

Ўша ҳаяжонли дамлар Ҳолиданинг ҳамон ёдида. У имтиҳонларни топшириб бўлгач, орадан бир неча кун ўтди-ю, мандат комиссияси иш бошлади. Юзлаб ёшлар қатори Ҳолиданинг ҳам нигоҳи ўрта бўйли, сочларига эндигина оқ оралаб келаётган, чеҳраси очиқ комиссия вакилида эди. Қабул қилинганлар орасида Ҳолиданинг ҳам фамилияси ўқилди. Кечагина абитуриент номи билан аталган ёш қиз, бугун университет талабаси. Бу жўшқин дамларни студент бўлган борки, яхши ҳис этади. «Бор куч — ғайратим билан, бутун меҳрим билан ўқийман», Ҳолиданинг ҳаёлидан бир зумда ўтган бу фикр, ҳозирги кунда катта бир мазмунга эга бўлди.

У биринчи курсдан бошлаб, фақат «аъло» баҳолар билан ўқиётган. Ҳолида илм-фанга чинакам ихлос қўйиш билан бирга жамоат ишларида, шахсий ҳаётда намуна бўлмоқда, ўзининг хулқи-одоби билан ҳурмат топмоқда.

Филология факультетининг IV курсида билим олаётган Ҳ. Қосимова ҳақида талабалар, педагоглар, самимий меҳр билан гапирадилар. Биров унинг факультет комсомол ташкилоти секретарининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари сифатида ёшлар орасида актив иш олиб бораётганлигини таъкидласа, яна биров студентлар билим жамиятида қатор темаларга кўл уриб, илмий изланиш йўлидан бораётганини тўлқинланиб сўзлайди.

Университетда ҳар йили илмий конференциялар ўтказиш анъанага айланган. Бу йилги ўтказиладиган конференциялар темалари улуғ доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигига бағишланди. Ҳ. Қосимова конференцияда «В. И. Ленининг «Ёшлар союзи вазифалари» нутқининг тарбиявий аҳамияти» темасидаги илмий доклади билан қатнашди. Бундан ташқари, бу аълочи студент яқинда кўҳна Бухоро шаҳрида республика бўйича ўтказилган ёш филологлар олимпиадасида иштирок этиб, ўзининг севимли дорилфунуни шарафи учун курашди.

Ҳолида Қосимованинг талаба сифатидаги актив фаолиятини факультет педагогик коллективи муносиб қадрлади. У ҳозир Ленин стипендиати.

— Мен учун бу юксак мукофот, — дейди Ҳолида мамнунлик билан, — чунки доҳий номи билан аталувчи стипендияни олиш менга беҳад масъулият юклайди, мен бундай шарафга эга бўлган эканман, бунда ўз билим ва ғайратларини талабалардан аямай келаётган, билим сирларини қунт билан ўргатаётган ҳурматли устозларим О. Шарафиддинов, А. Ҳамроева, М. Аминова, Д. Қамбарова, В. Файзиева каби педагогларнинг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида қайд қиламан ва бундан буён ҳам ўқишда Ильич фазилатларидан ибрат олишга ҳамиша интиламан.

Дарҳақиқат, талабаларнинг аъло ўқиши, бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бу знё масканида барча шароитлар муҳайё, фақат ҳар бир фанни зўр қизиқиш, муҳаббат билан ўқиш-ўрганиш, доимо олға интилмоқ лозим. Ҳолида ана шундай юксак орзуларни қалбига жо қилган студентлардан.

Унинг юксак мақсадлари амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз.

М. УСМОНОВА.

Лола сайли.

А. Абалян фотоэтюди.

ҚАЕРДА, ҚАЧОН, НИМА?

ГУЛЛАР ПОЕНДОЗ

«ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ» фирмаси ходимлари 1 Май байрамига қизғин тайёргарлик кўрдилар. Чунки байрам шодиёналари гуллар базмига уланиб кетади.

— БАЙРАМ кунларида савдо шоҳобчаларига 250 минг донадан кўпроқ чинни гул, хризантема, карнай гул ва атиргул чиқарамиз, — дейди фирма ходими С. Еқубова.— Бу гуллар пойтахтимиздаги 25 та гуллар магазинида, 10 та кўчма дўконларда харидорларга етказиб берилади.

Шодиёналарни безайдиган гуллар Р. Р. Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Калинин районидаги «Хасково», Тошкентдаги манзарали боғдорчилик совхози далаларида очилган. Улардан тошкентликлар каби Иттифоқимизнинг йирик саноат марказлари ишчи-хизматчилари ҳам баҳраманд бўлишди. Жумладан Москва, Новосибирск шаҳарларига кўплаб Тошкент гуллари жўнатилди.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗ аҳолисига кўплаб янги-янги турар-жойлар ҳадя этилди. 650 дан знё оила байрамни янги уйларда нишонлайди.

ҚЎЛИ ГУЛ қурувчиларимиз пойтахтнинг ўнлаб микрорайонларида шаҳар атрофида кенг кўламда бинокорлик ишларини олиб бораётирлар. Уларнинг аксарияти кўп қаватли турар-жой бинолари бўлиб, меҳнаткашлар учун ҳамма қулайликларга эгадир.

Учинчи беш йиллиннинг якунловчи йили учун юксак мажбурият олиб фидокорона меҳнат қилаётган қурувчиларимиз Қорақамиш, Юнусобод, Қўйлиқ, Қорасув, Чилонзорда ва Халқлар дўстлиги проспектида янги турар-жой бинолари фойдаланишга топширдилар. Азамат қурувчилар йил охиригача ана шундай кўплаб кўркам биноларни пойтахтликларга туҳфа этадилар.

НАМОЙИШЧИЛАРГА ХИЗМАТ

ШАҲАР савдо бошқармаси ва умумий овқатланиш ташкилотларининг коллективлари байрам тантаналари ўтаётган кезлари намойишчиларга намунали хизмати кўрсатадилар.

ПАЗАНДАЛАР тайёрлаган турли таомлар, ширинликлар, албатта барчага манзур бўлади. Намойишчиларга шаҳарнинг марказий майдонларида, катта кўчаларда 1050 дан ортиқ буфетлар, 80 га яқин автотолавка, қандолат билан савдо қилувчи дўкончалар хизмат кўрсатади. Бундан ташқари 160 жойда дошқозонларда ош дамланиб, дастурхон ёзилади.

Пойтахтимизнинг ҳамма ресторанлари ва кафеларида байрам дастурхонлари тузаладн. Бундай байрам даврларини истаган жойда буюркис дан знё ноз-неъматлар етказиб бердилар.

Бу мириқишкор ноз-неъмат бунёдкорларининг дастлабки баҳор тортиғидир. Ҳосил баракаси — юксак хирмонлар ҳали олдинда. Шу кунларда далаларда шижоаткорона меҳнат қилаётган марди-майдонларнинг орзу-ниятлари улуғ. Улар беш йиллиннн муддатидан анча илгари якунлаш ниятидалар.

ТОМОШАЛАРГА МАРҲАМАТ

БАЙРАМ кунлари барча ҳиёбонлар ва боғлар, томоша заллари меҳнаткашларни ўз бағрига олади. У ерларда катта концертлар ва томошалар уюштирилади.

В. И. ЛЕНИН номли майдон ва намойишчилар ҳиёбони байрам тантаналаридан кейин ҳам тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум бўлиб қолаверади. Бу ерда катта халқ сайли ранг-баранг программаларда томошалар давом этади.

Шаҳар бадиий ҳаваскорлик коллективлари, маданият уйларининг бадиий ҳаваскорлари 1 Майга атаб тайёрлаган ўз программаларини намойиш этадилар.

Пойтахтимизнинг барча кино-театрлари, маданият ва истироҳат боғлари гавжум бўладн. Бу ерларда ўйинлар, мусобақалар, конкурслар уюштирилади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ

Кечагина қуриб ётган ариқларда бугун сув жилдирай бошлади. Кишилар чаккасида бинафшалар жилва қилди. Қушлар чуғурлашиб кўкламни мадҳ этишди.

Баҳор қишга: «Сенинг умринг тугади, энди оламда мен танҳо ҳукмдор ва беқиёс гўзалман!»— деди ғурурланиб.

Меҳрибон ва камтар Она-Қиш эса: «Сени ким яратганини унутдингми, болагинам!»— деди-ю замин бағрига сингиб кетди...

КУНГАБОҚАР

Тонгда қуёш балқди. У ўзининг иссиқ, ҳароратли нурлари билан кунгабоқарни мафтун этди. «Тавба, қуёш худди менга ўхшайди, демак фақат менгина у билан дўстлаша олишим мумкин», деб шодланди у.

— Эҳтиёт бўл, бирданига жуда юксакка ошиқяпсан, оқибати яхши бўлмайди,— огоҳлантирди Она-тупроқ.

— Йўқ, пастда қолиб кетишга ҳеч ҳам тоқатим йўқ, —қичқирди Кунгабоқар зар кокилларини силкитиб. У Қуёшдан нажот кутиб термилди. Лекин Қуёш ҳаммага бирдай қарар, Кунгабоқарнинг дардини тингламас, эҳтимол, тушунмасди. Тикила-тикила Кунгабоқарнинг жизғинаги чиқиб, силласи қуриди. Қуёшдаги каби олтин кокиллари тўкилди ва яна қадрдон тупроққа бош қўйди.

БУҒДОЙ ДОНАЛАРИ

Телба шамол буғдой доналарини кўкда ўйната-ўйната улкан харсанглар остига сочиб юборди.

— Ҳайрият-э, энди тинчимни топадиган бўлдим,— деди уруглардан бири харсангга ёнбошлаб.

— Уф, секинроқ айтасизми?— енгил нафас олди иккинчи уруг.— Лекин бу ер бироз қоронғироқ экан, сал нарироққа жиламан,— дедию юмалаб кетди.

Сўнгги учинчи буғдой донаси эса бу савдолардан ҳайрон бўлиб ўйланарди.

— Зўравонликни қаранг, униб-ўсган жойингдан юлиб олиб, бегона ерларга келтириб ташлашса-я! Бу қандай бедодлик? Лекин қандай бўлмасин яшаш керак! Мен яшайман, шамолдан ўч оламан!— У шуларни ўйлаб ёнидаги харсанг остига жойлашиб олиб, хуррак отаётган шеригига норози қараб қўйди. Кейин юксакликка, қуёшга талпинди.

— Нима қиласан, ғашимга тегиб. Наҳотки, мени ёриб чиқмоқчи бўлсанг,— жаҳл билан ўшқирди Харсанг.

Уруг бир сўз демадию, юксакликка интилаверди. Чарчаб нафаси қайтса ҳам, нозик қадди букилса ҳам Қуёшни кўриш умидида, яшаш учун курашди. Кутилмаганда у Қуёшни кўриб қолдию, ҳайратдан қичқириб юборди. «Наҳотки!..» У соғинч, қувонч ва фахр билан атрофга қаради. Унинг попукдаккина нозик оёқлари остида харсанг бўлиниб ётарди...

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Спорт

КЎП КУНЛИК ПОЙГА ҒОЛИБЛАРИ

Республикамиз йўллари бўйлаб ўтказилган кўп кунлик велопойгаси қатнашчилари кеча сўнгги босқичга якун ясадилар. Узбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун бу сафар 15 команда сафида юзга яқин спортчи иштирок этди. Тошкент — Наманган — Тошкент маршрути бўйлаб минг километрдан ортиқ масофани тошкентлик Михаил Первеев ҳаммадан олдин босиб ўтиб, ғолиб бўлди. Бу пойгачиннг номи мухлисларга яхши таниш. Узбекистон терма командаси аъзоси бўлган М. Первеев Бутуниттифоқ ва халқаро турнирларда, чемпионатларда иштирок этиб, катта тажриба тўплаган.

Команда ҳисобида тошкентлик армячилар бош совғни эгаси бўлдилар.

«БУСТОН» ОДИМИ

Мамлакат чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари ўртасида Жиззахнинг «Бўстон» коллективи мағлубиятга учрамаган ягона команда бўлиб турибди. Етти турдан сўнг 6 команда — «Металлист», «Динамо», «Днепр», «Таврия», «Колос» ва «Бўстон» бир хил 9 тадан очко тўплади. Жиззах футболчилари 7 ўйининг иккитасида ғолиб келиб, бештасини дуранг қилишди. Анатолий Могильнй бошлиқ ҳимоячилар анча пухта ўйнаб, ўз дарвозаларидан бор-йўғи иккита тўп ўтказишган бўлса, ҳужумчилар анча пассивлик кўрсатишмоқда. Бизнингча, команда раҳбарлари ҳужум лишиясини кучайтирсалар, айни муддао бўларди.

«Бўстон» ўзининг сўнгги учрашувини Куйбишев шаҳрида «Крылья Советов» командаси билан ўтказиб, натижасиз дурангга эришди.

ЯНА ҚЎШИМЧА ЎЙИН БЕЛГИЛАНДИ

Шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётган Борис Спасский билан венгриялик Лайош Портиш ўртасида ўтказилаётган чорак финал учрашувида ғолиб аниқланмай турипти. Низомга кўра 10 учрашув тугагандан кейин яна иккита қўшимча ўйин тайинланди. Бунда ҳам ора очилмай қолди. Ҳисоб 6:6. Яна бўладиган қўшимча иккн бахс ҳам дуранг бўлса қора доналарда кўпроқ ютган шахматчи ғолиб деб топилади.

БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ

Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи

Бобохон ОТАХОНОВга

Чўл шамоли буколмади
пахтакор иродасин,
Саратон қуёши ҳам тан
берди бу шоввозга.
Ишга солиб кўп йиллик
ҳаётий тажрибасин,
Бетиним меҳнат қилди
баҳорни улаб ёзга.
Далаларда синалди мард
йигитлар сараси,
Олтмиш бўлди Бобохоннинг
эгаллаган марраси.
Ортда қолди бу довон ҳам
олга чопди ўй, орзу,
Гектаридан 62—бу йил аҳд
ҳам мўлжал шу.

Ҳар бир сигирдан 6600 килограммдан сут согиб олишга аҳд қилган Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг сут согувчиси

Турғуной СЕРИКБОЕВАга

Сут булоғин тошпрай деб,
Ҳиссамни кўп ошпрай деб,
Ваъда берди Турғуной,
Юзи ёруг, тўлин ой.
«Меҳнатимдан топсам шон,
Дилимда қолмас армон»,
Дейди доим хушчирой,
Бахти тўлиқ, Турғуной.



Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Абдулла (Алексей)
КУРЕНОВга

Янгийўллик паҳлавон
отланаётиб жангга,
Сўз берганди нон тишлаб,
мағрур она-Ватанга:
«Гапим қисқа нафрату ҳам
ғазабга тўламан
Фашизмнинг бошига битган
бало бўламан».
Бугун унинг кўксида
қаҳрамонлик юлдузи
Ғалаба машъалидай
қуёшда ёрқин порлар.
Бир тарихдай қимматли
ветераннинг ҳар сўзи,
Бу сўз ёшларни доим
фидокорликка чорлар.

Янгийўл шаҳридаги 4-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси

Каромат АБДУРАҲМОНОВАга

Зар қадрига зарғарлар
етиши аниқ,
Ўқитувчи қадрини ҳамма
билади,
Зиёкорнинг ҳамиша
қалбидир ёниқ,
Меҳрни, ҳалолликни ўндан
оламиз.
Уттиз йилдан ҳам кўпроқ
илм таратиб
Обрў топди касбидан устоз
Каромат,
Тарбияда ўзича мактаб
яратиб,
Бурчини ўтамоқда қувноқ,
саломат.

«Пахтакор» командасининг ҳужумчиси

Низом НОРТОЖИЕВга

У майдонда турганда
Ўйин кўркин очади,
Ҳужум «отин» сурганда
Дарвозабон қочади.
Ҳисобда бешта тўп,
Касби дейман мерганми,
Е рақиблар атайлаб
Дарвозани керганми.

С. Ҳасанов шеърлари,
А. Холиқов расмлари.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҚУРОЛЛИ ИҒВОГАРЛИК БАС ҚИЛИНМАЯПТИ

ТЕҲРОН, 30 апрель. (ТАСС). Эронга десант туширш операцияси барбод бўлганлиги Вашингтон маъмуриятининг кўзини очмади, у мана шу мамлакатга қарши қуролли иғвогарликларни тўхтовсиз давом эттирмоқда.

Теҳрон радиосининг хабар беришича, бугун Американинг «Ф-14» типидаги иккита қирувчи самолёти Эрон ҳарбий-ҳаво кучларнинг Уммон кўрфази зонасида соқчилиқ қилаётган самолётини ўққа тутди. Ердамга етиб келган Эроннинг икки қирувчи самолёти Америка қўзғунларини қуружин даф қилди.

Эрон Ислом Республикасининг бирлашган штаби Теҳрон радиоси орқали ўқиб эшиттирилган йўл-йўриғида Вашингтон Эронга қарши агрессия қилишнинг янги планларини амалга оширишн эҳтимол эканлиги тўғрисида ўз қўшинларини огоҳлантирди. Президент Картернинг мағлубиятга учраган ва давлат секретари Вэнснинг истеъфога чиқишига сабаб бўлган ҳарбий авантюраси, шунингдек АҚШда яқинлашиб келаётган президент сайлови, шу сайловгача жуда оз муддат қолганини ҳисобга олиб, Картер янги авантюра ёрдамида Эрондаги биринчи ҳарбий интервенция мағлубиятининг аламидан чиқиш ва шу тариқа сайловчиларнинг овозини олиш учун янги авантюра қилмоқчи бўлса керак, деган фикрни келтириб чиқармоқда.

Олинган маълумотларга қараганда, президент Картернинг фармойишига биноан 25 апрелдан бошлаб Бахраинга осмон-десант қўшинларининг бўлинмалари келтириб қўйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси Эронга қарши янги ҳарбий авантюрага ҳозирлик кўрилаётганлигидан далолат беради, бу авантюрани амалга оширишга тез орада киришилиши эҳтимолга жуда яқин.

Шу муносабат билан бирлашган штаб Эрон қуролли кучларининг шахсий составига мурожаат қилиб, сергак бўлиб туришга ва вазиятни эътибор билан кузатишга, АҚШ томонидан Эронга қарши янги қуролли ҳаракатлар қилинишидан огоҳ бўлишга чақирди. Штаб шахсий составни ҳушёрликни оширишга ва АҚШнинг эҳтимол тутилган янги ҳарбий авантюраларини барбод этишга даъват қилди.

ТАҲЛИКАЛИ МУАММО ВА УНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

ВАШИНГТОН, 30 апрель. (ТАСС мухбири). Ҳозир дунёда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ киши очлик азобини тортмоқда, аммо АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатлар шу муаммони ҳал этишни мутлақо назарга олмаяптилар. Президент махсус комиссиясининг бу ерда эълон қилинган докладида мана шундай хулоса чиқарилган.

Ҳужжатда уқтириб ўтилишича, планетамизда яшовчи ҳар саккиз кишининг бири «ҳеч қачон тўйиб овқатланмаяпти», оч-ночор яшаётганларнинг кўпчилиги ривожланаётган мамлакатлар аҳолисидир. Доклад авторлари мажбуран эътироф қилишларича бунинг учун айбнинг «каттагина қисми» Ғарб мамлакатларининг зиммасига тушади, чунки улар ривожланаётган мамлакатларга миллий экономикани тараққий эттириш учун жуда зарур бўлган мутахассислар тайёрлашга маблағ беришдан кўра, эўр иштиёқ билан ҳарбий «ёрдам» кўрсатишни афзал деб билмоқдалар.

Докладда айтиладики, Ғарб бераётган ёрдамнинг характери ва ҳажмини белгиловчи энг асосий мулоҳаза — антикоммунизмдир. Доклад авторлари келгусида АҚШ ҳукумати «очлиқни тугатиш учун курашни ўзининг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўтказаётган сиёсатига асос қилиб олсин», деб таклиф қиладилар.

Аммо Оқ уйнинг бу хусусдаги дастлабки билдирган фикриёқ Башингтон бундан буён ҳам ривожланаётган мамлакатларга реал ёрдам бермоқчи эмаслигини жуда равшан намойиш қилди. Ж. Картернинг президент махсус комиссияси аъзоларига айтишича, комиссиянинг тавсияларини «пулнинг қадрсизланишига қарши кураш тақозо этаётган молиявий чеклашлар қаршисида рўёбга чиқариш қийин».

Реклама ва эълонлар

Узбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 МАЙ СОАТ 16.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ҲОЛИСХОН ҚОДИРОВА.
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати
Карима УЗОҚОВА
Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Комилжон ИБРОҲИМОВ, Таваккал ТУРСУНОВА, Нодира АҲМЕДОВА, Гулчехра ЮСУПОВА, Феруза СОЛИҲОВА, Анвар РУСТАМОВ, Абдуғаффоҳ САИДОВ (юмор, сатира ва интермедия), Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанр).

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.
Программани — Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА олиб борадн.
Музика раҳбари — Ҳамидулла ИСМОНОВ.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.10 — Арфа янграйди. 10.10 — Шеърлар ва вальслар. 10.40 — Фильм-концерт. 11.45 — Дунё воқеалари. 12.00 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.45 — Москва. Қизил майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув. Кўрсатув тугагач, пионерларнинг байрам концерти. 15.10 — Тинчлик ва меҳнат поэзияси. 15.45 — 1960 йилги жаҳоннинг энг кучли фигурачиларининг кўргазмали чиқишлари. 17.15 — Милтиқли киши. Бадиий фильм. 18.45 — Голубой Огонёк. 21.30 — Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майнинг байрам қилиниши тўғрисида репортаж. 22.30 — Миниатюралар театри. 23.30 — Концерт.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

9.50 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майнинг байрам қилиниши тўғрисида репортаж. 22.30 — 1 Май базми.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325353; фотомухбир — 325894.

Р. 01966. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1596.